



# HUDUDGAZTA'MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

№ 20434

\_\_\_\_\_ 202 \_\_ йил





суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчиси ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларини ёзиб олиш (ТҲХНАТга улашган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меърилар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритилиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчиси ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш дололатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш дололатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш дололатномаси Истеъмолчига қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиши чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги дололатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш дололатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш дололатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш дололатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмига учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон дололатномада норозилик сабабларини мажбурий асос эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида маълум қилиб, сўнг дололатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларини ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдидан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор

қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда қўнғи кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аввал тарихида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб қўнғи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

#### V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18-бандига кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланганидан ва икки нусxada тузилган дололатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган дололатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши Истеъмолчига қонуничида белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

#### VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчига қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилувига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартноманинг мажбурийлар бажарилмаганида;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш куритмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганида;
- фойдаланган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганилиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганида;
- Етказиб берувчининг ва "Унефтигаз инспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганида;

- ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлаганига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашни ёки бошқа қондабузарликлар ёҳуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарлини ўз зиммасига олмайд.

6.2. Тармоққа қайта уланганда амалдаги қонуничиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1-бандига кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув қунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасидан сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлашнинг автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг операция журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинди);

д) газ истеъмолчи ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, шомбаламанган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш дололатномаси тузилган кундан, хатлов дололатномаси мавжуд бўлмаганда эса - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

е) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатилиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқломларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асосланган ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меърият-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлимларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишга талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса - экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сезиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигига тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамағаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сезиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриш ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтда бошлаб аниқланган қунига, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонуничиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланганидан қамда 5 кун - Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-банд кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдидан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланганидан қамда 5 кун олдидан ҳисоб-китобини 50 олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар - китоб амалга оширилмаган даврини кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 олдидан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига бир тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб даври бошланганидан қамда 5 кун олдидан газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдидан ҳақ тўлашлар шарт. Истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисоботи ойининг охири амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдидан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдидан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилиш учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни оширилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ беришга шартномада кўрсатилгандан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда тартибда тўланган маблағлар қайтарилмайдиган, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса мазкур шартномада белгиланган тартибда қайтарилади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдидан келиш билан олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмир қилиш, текшириш ва соғлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакм туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол табиий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташқи ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, ушбу тўловни ҳисобга ўтказилган маблағлари Истеъмолчининг хабардор қилган ҳол қоллашга йўналтирилади ва аввал тўловни сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ў



Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "18 01" 20434 -сон Тошкент шаҳри  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Степунин Павел Игоревич  
Ирфанов Руслан Абдулхамидович (Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Эсенова Д.  
01-19-88/4424 бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил  
3-01 да берилган 03-13-04/34 қонли ишончнома асосида фаолият юритувчи  
Ирфанов Руслан Абдулхамидович (газ таъминоти  
таъжироти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб бериучи" деб аталади), раҳбари  
Ирфанов Руслан Абдулхамидович иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида матқур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб бериучи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртма-номаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларини белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб бериучи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, гўлдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатта эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб бериучига тасдиқланган метрларга (Табиий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта (ёки кўрсатиладиган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжин тақдим этади. Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинадиган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 4860 куб.м, нархи 3207,6 минг сўмини ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлار бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>4,86</u> минг куб.м, январь <u>1620</u> , февраль <u>1620</u> , март <u>1620</u>
II чорак	_____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак	_____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____
IV чорак	_____ минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____

Етказиб бериучи томондан хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди қайд этилган стратегик ва иқтисодий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг